# Ғайрат-шижоатимиз, ижодий изланишимиз, собитқадам ҳаракатларимиз—қайта қуриш ишига!

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

Делегат ўртоқлар, бир масала хусусида сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Тошкент учунгина эмас, балки республика учун ҳам аҳолининг сариқ касалига тез-тез чалиниши жуда ўткир медицина муаммоси бўлиб турибди. Олимлар, институтларнинг барча мавжуд лабораториялари куч-ғайратларини бирлаштириб, тадқиқотларни жамлаб регионда энг йирик илмий медицина гепатология марказини бунёд этсак бўлмасмикан? Ана ўшанда катта маблағлар йирик базани ташкил этишга сарфланиб ана шу дардга қарши кескин ҳужум бошланган бўлур эди. Шаҳар партия органлари томонидан бу иш тўла қўллаб-қувватланган бўларди.

Экологик вазият одамларнинг сиҳат-саломатлигига таъсир этмоқда. Шаҳар бу борада нохуш шаҳарлар жумласидан эмас, аммо атроф-муҳитнинг ифлосланишига бефарқ қарашга тоқат қилиб бўлмайди. Ана шу масалалар бюро мажлисларида кўриб чиқилди, фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш бу масалалар билан батафсил шуғулланди. Бир мунча ишлар қилинди, баллонига газ ёнилғиси солинган автомашиналар сони кўпайди, бир қанча зарарли корхоналар, жумладан абразив комбинатининг монокорунд цехи ёпиб қўйилди.

Аммо кўрилган чоралар қониқарли эмас. Чиқинди газлар ва чанг-тўзоннинг 60 процентдан кўпроғи автомобиль транспортининг «шарофати»дандир. Барг, шох-шабба ёқилмоқда, шаҳарда ахлат уюмлари кўп. Шаҳар давлат автоинспекцияси (Б. В. Путинцев) қатъият кўрсатмаяпти, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси (Т. М. Миртожиев) ҳам қатъиятлик билан иш тутмаяпти. Район ижроия комитетлари ва шаҳар ижроия комитети (раис ўринбосари Ҳ. Ё. Охунжонов) кечириб бўлмайдиган кўнгилчанлик билан ишламоқдалар. Экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари партия ташкилотларининг ҳам биринчи навбатдаги вазифаларидан бўлиши керак.

Ўтган галги шаҳар партия конференциясида делегатлар шаҳар пассажир транспортидаги иш аҳволини қаттиқ танқид қилган эдилар.

Бу соҳадаги аҳволга жонкуярлик билан баҳо берилиб шаҳарда транспорт барча турларининг ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг тиғиз комплекс программаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ана шу муаммони ҳал этишга партиявий таъсирнинг тадбирлари белгилаб олинди. Транспорт бўлинмаларининг партиявий ва хўжалик раҳбарлиги мустаҳкамланди. Корхоналарнинг моддий-техника базаси ривожланди, ҳаракатдаги состав янгиланди ва кўпайди. Линиядаги иш графиги қаттиқ назорат қилинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида метронинг «Тошкент» — «Чкалов» янги участкаси фойдаланишга топширилди, «Навоий — Беруний» йўлидаги ишлар жадал бормоқда. Юнусобод шоҳобчасини қуришга тайёргарлик бошланди. Келгуси йили 29 километр узунликдаги троллейбус ва 16 километр узунликдаги трамвай линиялари қурилади.

Лекин муаммо ҳали ҳам ўткир бўлиб турибди. Турмуш яна ҳам қатъийроқ чоралар кўрилишини талаб этмоқда. Ташиш ҳажмининг ўсиши билан энергетика, йўл хўжалиги ва ремонт базаси равнақи ўртасидаги тафовутни бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Идораларга қарашли автобусларнинг бор-йўғи 70 проценти ишга солинган. Ҳайдовчиларнинг меҳнат, турмуш шароитлари талабларга яраша эмас.

Тошкент авиаотряди ва йўл бўлимлари ўз ишларини бир қадар яхшиладилар. Йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш эса анча орқада қолмоқда, одамлар билет олиш учун сарсон-саргардон бўлмоқдалар. Партия ташкилотлари бу борада тартиб ўрнатишлари керак. Шаҳар партия комитетининг сўнгги пленумида транспорт муаммосини шаҳар Советининг сессиясида кўриб чиқиш тўғрисида бамаъни таклиф айтилган эди.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида экономикани юксалтириш, социал муаммоларни ҳал этиш учун туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш шарт деб баралла айтилган эди.

Шаҳар партия комитети вазифанинг муҳимлигини тушуниб, корхоналарни янги шароитда ишлашга тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этди. Партия-хўжалик активларининг ўқуви уюштирилди, иқтисодий механизм илгарироқ жорий этилган мамлакатимиздаги корхоналарнинг раҳбарлари, экономистлари билан учрашувлар ўтказилди, тажриба баҳам кўрилди, жойларга бориб аҳвол ўрганилди. Бу масалалар бир неча бор шаҳар партия комитети пленумлари ва бюрода муҳокама қилинди.

Партия ташкилотлари меҳнат коллективларини янгича шароитларда ишлашга ҳар томонлама ва яхши тайёрлаганликлари хусусида шаҳарда ибратли мисоллар бор, бу эса кўпгина ишлаб чиқаришга оид ва социал масалаларни ҳал этишга, коллективдаги бутун вазиятга ижобий таъсир этди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмаси (Т. С. Собитов, В. М. Шевешова), «Ташэлектромаш» (Г. И. Нефедова, В. И. Береговский), «Подъёмник» (В. А. Борисова, Е. И. Чуприн) заводлари коллективлари сифат кўрсаткичларини яхшиладилар.

Хўжалик ҳисобига ўтган корхоналар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатларини анча кўтардилар, аммо умуман, ислоҳотни ўтказиш жуда оқсаб қолмоқда.

Янгича шароитда ишлаётган 70 та корхона ва бирлашманинг 15 таси маҳсулот етказиб бериш планини барбод этди. 17 таси фойда олиш планини бажармаяпти, ҳар олти корхонанинг бири маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини пасайтириб юборди. Бундай қониқарсиз иш уларнинг планлаштирилган фойдани олишларига имкон бермади. Хўжалик раҳбарлари фойдани мустақил тасарруф этиш имкониятини қандайдир ўзига хос тарзда тушундилар. Натижада иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан ошиб кетмоқда, кўпчилик эртанги кун тўғрисида ўйламай, фан-техника тараққиёти тадбирлари юзасидан институтлар билан хўжалик шартномаси асосидаги ишларга харажатларни камайтирди ёки бу ишлардан умуман воз кечди.

Партия ташкилотлари хўжалик юритиш янги формаларини идеологик жиҳатдан таъминлашга, экономикани қайта қуришда ўз ўрни ва ролини аниқлашга эриша олмадилар.

Аммо янгича шароитда ишлашга ҳозирлик кўришдаги энг асосий камчилик шундаки (бу нарса ҳозир яққол кўриниб турибди), биз унинг ғояларини меҳнат коллективларининг ҳар бир аъзосига етказа олмадик. Меҳнаткашлар, меҳнат коллективларининг кенгашлари ислоҳот ўтказилишидан четда қолган, ҳамма нарса яширикча, юқоридан туриб ҳал қилинган жойларда ғоят жиддий нуқсонлар юзага чиқиб қолди, кўпгина кутилмаган қийинчиликлар пайдо бўлди. Бу эса одамларнинг ислоҳотга бўлган муносабатига, уларнинг социал кайфиятига таъсир қилди, қолаверса бу ҳол хўжалик ҳисоби ғоясининг ўзига нисбатан эътиборга путур етказади.

Шу боисдан кўпчилик коллективларда хўжалик ҳисоби цехлар, участкалар, бригадалар даражасига, ҳар бир иш жойига етиб бормади. Саноатда бригадаларнинг фақат 36 проценти хўжалик ҳисоби элементларидан фойдаланмоқда, умуман шаҳарнинг халқ хўжалигида эса бундан ҳам кам — 27 проценти фойдаланмоқда.

Куйбишев районида ишларнинг аҳволи айниқса ёмон. Район партия комитети (Н. И. Емельянов) эҳтимол корхоналарнинг мустақиллигига умид боғлаган, уларга ортиқча ишонган бўлса керак, муаммонинг моҳиятини чинакамига тушуниб ета олмади. Ваҳоланки районда институтлар, олимлар энг кўп бўлиб, уларни коллективларга амалий ёрдам беришга жалб этиш мумкин эди, бунда район партия комитетининг тажрибаси ҳам етарли. Шу жиҳатдан бу кишини ажаблантиради.

Райондаги «Средазкабель» бирлашмаси (К. К. Бегалиев, Н. Л. Шпильков), лак-бўёқ заводи (Ш. С. Тожиев, И. Б. Парижер) коллективларида ниҳоятда оғир молиявий аҳвол вужудга келди.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, агар банк қўшимча қарз бермаганида ана шу корхоналарнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ ўз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаёлмай қоларди. Аслини олганда, бу корхоналар банкрот бўлиб қолишган. Бу ҳол район партия комитети билан партия комитетларини жуда ташвишлантириши керак. Коллективларнинг тақдири ҳақида ўйлаш лозим. Янги йилдан бошлаб барча корхоналар хўжалик ҳисоби шароитига ўтишлари муносабати билан бу айниқса муҳимдир.

Тажриба иқтисодий ислоҳотнинг бориши шаҳар партия комитети кўпроқ эътибор беришига муҳтожлигини кўрсатиб турибди.

Биз хато ва нуқсонларни кечикиб пайқаганимизни тан олиш керак. Ўзингиз ўйланг. Шаҳарда хўжалик ҳисобининг иккинчи моделидан фойдаланаётган биронта ҳам корхона йўқ. Ижара пудратига ўтган саноқли корхоналарнинг афзалликлари кишини ҳайратда қолдиради.

Тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг босма участкаси ижара пудратига ўтган биринчи ойдаёқ лойиҳа қувватига эришишга муваффақ бўлди, ваҳоланки бунинг учун олти ой муддат керак эди. Ҳозир бу ерда ходимлар қисқартирилгани ҳолда план-топшириқлари ошириб бажарилмоқда. «Главташпассавтотранс»да ҳаракат составининг 19 проценти ижара пудрати методи асосида ишламоқда, бу ерда ремонт ишларига харажатларни камайтириш, сменалар ичидаги бекор туриб қолишларни озайтириш, маъмурият ва ҳайдовчиларнинг пировард натижадан манфаатдорлигини ошириш ҳисобига ижарага олинган ҳар бир автомобиль ойига 100 сўмгача қўшимча фойда келтирмоқда. Республикада биринчи марта «Ташпромстрой» трестида учта ижара коллективи ташкил этилди, қисқа муддат ичида бригадалардаги иш унуми 17 процент ошди. Текисчилик тугатилганлиги ҳам муҳимдир, иш ҳақи анча кўпайди, меҳнат натижаларидан манфаатдорлик ошди.

Аммо қаранг, бошқарув қатламидаги консерватизм нақадар яшовчан. Ижара муносабатлари шароитида ишлашга қарор берган ва тайёргарлик кўрган Сергелидаги резинатехника буюмлари заводининг коллективи деярли ярим йилдан буён Ангрендаги «Узбекрезинатехника» бирлашмаси ва министрлик раҳбарларининг бунга розилигини ололмаяпти. Оҳангарон шоссесидаги ахлатни қайта ишловчи завод шу масала хусусида шаҳар ижроия комитети ободончилик бошқармасининг ёрдамига узоқ вақт эриша олмади.

Агар партия комитетлари аввалбошданоқ иқтисодий қайта қуришга партиявий эҳтирос билан бошчилик қилишганида биз анча олға силжиган бўлур эдик. Ҳозирча эса умуман саноат беш йилликнинг контроль топшириқларидан орқада қолмоқда, 59 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган. Шу боисдан иқтисодий ислоҳотни дадил олға силжитиш, ижарага ўтишни рағбатлантириш, давлат-кооператив корхоналари пайдо бўлишидан чўчимай, балки аксинча уларга қулайликлар яратиш — шаҳар партия комитети билан унинг социал-иқтисодий бўлимининг энг биринчи вазифасидир.



⊙ СУРАТЛАРДА: XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида.

Т. Каримов ва Р. Шарипов фотолари.

Партия комитетлари XIX партия конференцияси принципига амал қилишлари — янги ишга ким тўсқинлик қилаётган бўлса, уни йўлдан қатъият билан олиб ташлашлари керак.

Жамиятнинг интеллектуал, маънавий потенциалини жадал ривожлантириш керак, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси таъкидлаганидек бусиз қайта қуришни, социализмни янгилашни тасаввур этиб бўлмайди. Республикада ҳақиқат, қонунлар поймол этилганлиги, ўзбошимчаликлар қилинганлиги илм-фанни ривожлантиришга жуда оғир путур етказди. Олимларнинг, бутун-бутун илмий коллективларнинг ишлаши учун шарт-шароитларни яратиш, пул билан таъминлаш масалалари кўпинча тадқиқотларнинг натижаларига, уларнинг аҳамиятига қараб эмас, балки шахсий муносабатларга, инжиқликларга, қариндош-уруғчилик алоқаларига қараб ҳал этиб келинди. Бўйсунмаганлар ҳам бор эди, албатта. Аммо уларни бостиришар, йўл беришмасди.

Бу нарса бутун-бутун илмий йўналишларни ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қилди, илмий коллективларнинг маънавий-психологик муҳитига қаттиқ зарба урди.

Эндиликда илм-фан қайта тикланиб, маҳрум бўлган позицияларга қайтмоқда. «Физика—Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, Экономика институти ҳамда бошқа институтларнинг илмий коллективлари сезиларли натижаларга эришдилар.

Олий мактаблар фанида ҳам силжишлар бор. Политехника, фармацевтика, алоқа институтлари шулар жумласидандир. Экономика институти билан «Ташавтоматика» заводи, автомобиль транспорти ва йўллар институти билан шаҳардаги бир қанча автомобиль хўжаликлари, бошқа баъзи коллективлар яхши ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

Айни вақтда биз ўзимиз, шаҳар партия комитети олимлар, зиёлиларни концепциялар, программаларни таҳлил этиш, ишлаб чиқиш, белгиланган планларни амалга оширишга жуда кам жалб қиламиз. Шаҳардаги мавжуд илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари илмий потенциалининг атиги 10 проценти саноат корхоналаримиз, ташкилотларимизга ёрдам бериш учун жалб этилган.

Кўпгина мураккаб социал-сиёсий, идеологик муаммоларни тўғри ҳал қилишда ижтимоий фанлар алоҳида роль ўйнайди. Олимлар ижтимоий турмуш муаммоларини, республика экономикасини, унинг тарихий ўтмишини чуқурроқ идрок этиш борасида куч-ғайрат сарфламоқдалар. Аммо ҳозирча фақат ёндашувларгина белгиланмоқда.

Амалиётчи ходимлар шу куннинг ҳозирги энг муҳим конкрет иқтисодий, идеологик, демократик муаммоларини тадқиқ қилувчи долзарб мавзудаги тадқиқотларга ғоят муҳтождирлар. Илмий коллективларнинг партия ташкилотлари ўз фаолиятида кун талабларидан орқада қолмоқдалар, бу масалаларга зўр эътибор бермаяптилар. Шаҳар партия комитетининг идеология бўлимлари бу коллективлар билан умуман шуғулланмаяпти.

Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан, олий ўқув юртларининг тегишли кафедраларидан амалий иш учун объектив таҳлилни, аниқ-пухта маълумотларни, равшан тавсияларни кутамиз.

Иккинчи томондан олимларга нисбатан талабчанлик қилиш билан бирга уларга кўпроқ ёрдам ҳам бериш керак. Лабораториялар алмисоқдан қолган ускуналар билан жиҳозланган, Фанлар академияси системасининг ўзидагина 1320 нафар илмий ходим уй-жойга эга эмас экан илм-фан арбоблари ўзларини илмий ишга батамом бағишлай оладиларми? Шаҳар партия комитетининг социал-иқтисодий ва идеология бўлимлари илмий фаолиятнинг барча масалалари юзасидан дарҳол амалий чора-тадбирларни белгилаб олишлари зарур.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми халқ таълимини ислоҳ қилиш хусусида аниқ қарорлар берди. Ҳисобот даврида мактаб муаммоларига эътиборни анча кучайтириш керак эди, мактаблар моддий-техника жиҳатидан ҳам, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ҳамда ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш жиҳатидан ҳам давр талабларидан жиддий орқада қолганди.

Яхшиланиш тенденцияси намоён бўла бошлади. Уч йил ичида ўқувчи ўринларини фойдаланишга топшириш 1,5 баравар кўпайди. Шу йилнинг охиригача 200 та компьютер синфлари очилади, 1990 йилда эса компьютерлаштириш ниҳоясига етказилади. Ўқитувчиларнинг уй-жой-маиший шароитларига кўпроқ эътибор берила бошланди.

Ўқувчиларнинг билим савияси, уларни тарбиялаш ўқитувчининг профессионал маданиятига боғлиқ. 210, 2, 84, 204, 71-мактабларнинг коллективларини илғор педагогика тажрибаси масканлари деб айтиш мумкин. Ўқитувчилардан Дилфуза Маликовна Ғаниева (254-мактаб), Галина Арамовна Аванова (24-ўрта ҳунар-техника билим юрти), Николай Петрович Иванов (2-мактаб), Яков Шенселевич Сандлер (5-мактаб), Махсума Сиддиқовна Сиддиқова (29-мактаб) тажрибаси республикадан бошқа шаҳарларда ҳам маълум.

Бунга қувониш мумкин эди. Аммо мактаблардаги жойлар билан таъминланиш нормативга нисбатан фақат 80 процентни ташкил этади, ўзбек ва рус тилларидаги дарсликлар, кўргазмали қуроллар етишмайди, баъзи фанлардан эса булар умуман йўқ.

Олий ўқув юртларидаги вазиятни соғломлаштириш ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга таъсир қилди.

Абитуриентларни фақат конкурс асосида танлаб олишга ўтиш барибир ниҳоятда зарур бўлиб қолди (ҳозирча областларга қараб танлаб олинмоқда ва бу 70 процентга қадарни ташкил этмоқда). Бўлғуси ўқитувчи факультетларини дадилроқ ташкил этиш керак.

Ҳунар-техника таълими халқ таълими системасини қайта қуришнинг ғоят муҳим соҳасидир. Шаҳар партия комитетининг 1986 йил май ойида бўлиб ўтган пленумида индустриал касблардаги миллий ишчи кадрларни тайёрлаш асосий мавзуларнинг бири бўлган эди.

Пленум қарорларини бажаришга эриша бориб, бу масалада бирмунча силжишга муваффақ бўлинди. Ҳисобот даврида саноат учун кадрлар тайёрлайдиган билим юртларидаги туб миллат ўқувчиларининг сони салкам 3,5 баравар кўпайди.

Бироқ муаммони ҳал этилган, деб ҳисоблаб бўлмайди. Электрон ва радио санъати учун ишчи кадрлар тайёрлайдиган билим юртлари бу борада ҳамон орқада қолмоқдалар. Мана шу ихтисосликлар бўйича ўқитувчиларнинг, айниқса ўзбек тилидаги дарсликлар ва ўқув қуролларининг етишмаслиги ҳам бунга таъсир қилмоқда.

Ўрта махсус билим юртлари узлуксиз таълим системасини қарор топтиришда танг жой бўлиб қолмоқда. Шаҳардаги 40 та техникум ва уларга тенглаштирилган билим юртларининг ўқув-лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш базаси нормативдагидан тўрт баравар кам.

Шаҳар партия комитети олий ўқув юртларидаги маънавий муҳитни соғломлаштиришга ғоят қаттиқ эътибор берди. Тошкент Давлат университети коллективидаги вазият қандай бўлганлигини ўзингиз биласизлар. Бу ерда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ўзаро айблашлар бир тугун бўлиб чирмашиб кетган эди. Шаҳар партия комитетининг аралашуви, кадрлар қатъиян ўзгартирилганлиги, принципиал коммунистларнинг демократик йўл билан раҳбарликка кўтарилганлиги аҳволни нормаллаштириш, коллективнинг куч-ғайратини амалий ўзанга йўналтириш имконини берди.

Умуман ўтган йилнинг августидан ҳозирги вақтгача яқин қариндошлик алоқалари билан боғланган шахслар сони деярли учдан бир ҳисса, бир кафедра ёки факультетда ишлаётган қариндош-уруғлар сони эса ярмидан кўпига (57 процент) қисқарди. ТошМИдаги, халқ хўжалиги институтидаги, бошқа бир қанча олий ўқув юртларидаги вазият худди шу тарзда соғломлаштирилди.

Аммо мазкур муаммолар ҳали мавжуд бўлиб, улар қариндош-уруғчилик билангина чекланиб қолаётгани йўқ, табиийки олий ўқув юртлари партия комитетларининг қунт ва маҳорат билан зўр бериб ишлашларини талаб этади. Студентларнинг—ўқув жараёнидан ташқари социал активлиги кучайиб бормоқда. Ёшларнинг ўзини намоён этишга интилиши салбий тус олмаслигини кўзда тутиш керак.

Баъзи партия ходимлари, комсомолда ишловчи коммунистлар бундай кўринишларга буйруқ ва тазйиқ ўтказиш усуллари билан қаршилик кўрсатишга уринганликларини қайд этиб ўтиш лозим. Бу энг тўғри йўл эмас. Бунда билимдонлик, юксак сиёсий маданият, ёшларнинг ғайрат-шижоати ва активлигини бунёдкорлик мақсадларига, амалий ҳаракатларга йўналтира билиш маҳорати асосий восита бўлиб қолиши керак.

Олий ўқув юртлари шаҳарчасида студентлар билан ишлаш муаммоси айниқса ўткирдир. Бу ерда ўн минглаб серғайрат, куч-қувватга тўла ёшлар ўқишади ва яшашади.

Маданий маърифий муассасаларнинг, китоб магазинларининг, маиший хизмат корхоналарининг, спорт иншоотларининг етишмаслиги, ётоқхоналарниг маиший жиҳатдан яхши жиҳозланмаганлиги кайфиятга ёмон таъсир қилмоқда.

Биз шаҳар партия комитети ва шаҳар комсомол комитетида маслаҳатлашиб, ана шу камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш учун ёшларга тубдан ёрдам бериш керак, деган хулосага келдик. Студентларнинг ўзлари ҳам ишга киришиб кетдилар. Олий ўқув юртларининг партия комитетлари, ректоратлари «тайёрга айёрлик» кайфиятларидан дарҳол холи бўлишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми якунлари юзасидан бўлган пленумимизда халқ маорифи муаммолари тўғрисида батафсил гапирилган эди. Яна ўша тадбирларга қайтиш, бюрода ёки пленумда нима ишлар қилингани тўғрисида ҳисобот бериш лозим.

Қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг қудратли омили — ижодий коллективлар, маданий-маърифий муассасалар ишидир.

Ҳисобот даврида шаҳар партия комитети шаҳардаги маданий ҳаётни таҳлил этишга бир неча бор мурожаат қилди. Чунки, бундан илгариги шаҳар партия конференциясининг делегатлари маданий ҳаёт хусусида жиддий эътирозларни айтишган эди. Бюронинг театрлар партия ташкилотлари иши тўғрисидаги қарори театрлар фаолиятини такомиллаштиришда йўлчи юлдуз бўлди. Тошкент театрларида янги пьесалар қўйилаётганлиги қувончлидир. М. Горький номли, Ҳамза номли академик театрларни, «Ёш гвардия» ва Муқимий номли театрларнинг айрим спектаклларида ижтимоий ҳаётнинг теран қатламлари бадиий таҳлил этилди. Алишер Навоий номли катта театрда ва «Ўзбекфильм» студиясида ҳам янгиликлар пайдо бўлди.

Санъат асарларида, публицистларнинг мақолаларида, журналистлар, ёзувчиларнинг мақолалари ва китобларида келажак тўғрисидаги ўй-фикрлар, ўтмишдаги муваффақиятсизликлар ва хатолар учун куйиниш акс этди.

Ижтимоий зийрак ва зеҳни ўткир ижодкор арбоблар экология, қишлоқни социал қуриш муаммоларига, бошқа масалаларга эътибор бермоқдалар, шу йўсинда кўпчилик амалиёт ходимларига катта ёрдам берилмоқда.

Аммо, ижодкор зиёлилар ўртасидаги мураккабликларни сезмаслик ҳам нотўғри бўлур эди. Агар илгари жамият ҳаётида содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолиш кузатилган бўлса, ҳозир бунинг акси рўй беришини истамас эдик. Демократия ва ошкораликдан ҳаддан зиёд талабларни ифода этишда, айниқса, ижодкор ёшлар томонидан ана шундай талабларни ифода этишда фойдаланмаслик керак.

Ижодий союзларнинг партия ташкилотлари кайфиятлар ва тенденцияларни зийраклик билан илғаб олишлари, айни вақтда ўзлари раҳбарлик қилаётган коллективларни социализмни мустаҳкамлаш учун бунёдкорлик фаолиятига қатъият билан йўналтиришлари лозим.

Шаҳар партия комитети, идеология ходимлари турли норасмий бирлашмаларнинг фаолиятини диққат-эътибор билан ўрганмоқдалар. Бу бирлашмалар социалистик демократиянинг теранлашуви натижасида пайдо бўлди. Башарти норасмий бирлашма ёки ҳаракат қайта қуриш, социализмни астойдил қўллаб-қувватлаш платформасида амалий иш юритаётган экан, уларни қўллаб-қувватлаш лозим бўлади, албатта. Агар мабодо, ҳаддан ошиб кетилиб, социализмга путур етказишга, барча ишларда партиявийликка қарши чақириқлар янграса, бунинг устига митингларда ҳис-туйғулар, эҳтирослар авж олдирилса, бу ҳолда партия аъзоларининг позицияси якдил бўлиши керак, бундай ҳодисалар билан муроса қилиб бўлмайди, бунда коммунистлар ўзларини панага ололмайдилар, сукут сақлаб рози бўлмайдилар, балки фидокорлик билан социализмни ва марксча-ленинча идеологияни ҳимоя қиладилар, сиёсий жангчи сифатида майдонга чиқадилар.

Демократиялаш ва ошкоралик ҳар бир халқнинг маданиятига диққат-эътиборни кучайтирди. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари бизнинг кўпмиллатли шаҳримиз шароитида вазминлик билан иш кўрдилар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида миллатлараро муносабатлар доимий комиссияси тузилди, шаҳар партия комитети идеология бўлими ташаббуси билан жамиятшуносларнинг шаҳар кенгаши тузилмоқда, бу кенгаш миллатлараро муносабатлар муаммосини илмий негизда ҳал этишга ёрдам беради.

Кадрлар сиёсати аҳолининг кўп миллатли состави ҳисобга олиниб ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорлари доирасида КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленумига тайёргарлик юзасидан барча партия ташкилотлари теран ва ҳар томонлама ишни адо этишлари керак.

Аммо оддий масалалар ҳам борки, уларни осонлик билан ҳал этса бўлади. Хўш, нега энди кўчаларнинг номи фақат рус тилида ёзилади. Агар шу номлар ўзбек тилида ҳам ёзиладиган бўлса, миллий ҳис-туйғулар иззат-икром этилиб, фойдали иш қилинган бўлмайдими? Маҳаллий аҳолига мансуб бўлмаган кишилар ўзбек тилини ўрганиши масаласи ҳам бор. Клубларда, бошқа муассасаларда тўгараклар шоҳобчасини вужудга келтириш лозим, телевидениенинг Тошкент программасида эса ўзбек тили дарсларини мунтазам ўтказиш лозим бўлади. Ўзбекистон телевидениесининг айрим кўрсатувларини таржима қилиш ҳам зарур.

Бошқа миллатларга мансуб кишилар ўз маданиятларини ривожлантиришлари, она тилини ўрганишлари, ўз асарларини яратишлари тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш даркор. Шундай қилсак, маданиятлар энг яхши ютуқларининг ўзаро таъсири ва ўзаро бойишига эришамиз.

КПСС юзага келган даврдан бошлаб интернационализмни мерос қилиб олган барча коммунистлар энг қимматли хазина — халқлар дўстлигини кўз қорачиғидек асрашлари ва мустаҳкамлашлари лозим. Дўстлик ўзбек халқининг, меҳнаткаш халқнинг, юксак маданият соҳиби бўлган халқнинг кўҳна анъанасидир, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, тарихан таркиб топган интернационал феълиатвори ҳаммамизга маълум.

1966 йилда Тошкентда рўй берган фожиадан кейин чинакам интернационализм, самимий қардошлик намоён бўлди. Бутун мамлакат бизга ёрдамга келди. 1,3 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, 15 мактаб, ўнлаб болалар боғчалари беминнат қуриб берилди. Тошкентликлар ҳозиргача самимият билан ленинградликлар, москваликлар, украинлар, арманлар қурган уйларда яшамоқдамиз, демоқдалар.

Конференция делегатлари, коммунистлар, Тошкент шаҳри аҳолиси Арманистонда қаттиқ зилзила бўлгани ҳақидаги хабарни юрак бағрилари ўртаниб эшитдилар. Шаҳардаги биринчи касалхона врачлари дарҳол ёрдамга отландилар. 159-қурилиш трестида учта комсомол-қурилиш отряди тузилди. Рус тили ва адабиёти институтида Арманистондан келадиган болалар учун профилакторий ҳозирлаб қўйилди. «Ташгорстрой», бир нечта уй қуради, жабр кўрганларга ёрдам бериш учун юз минглаб сўм пул тушди.

Кеча шаҳар партия комитети бюроси ёрдам кўрсатишга доир ишларни ташкил этадиган махсус комиссия тузди. Биз қардош халқни кулфатда қолдирмаймиз, совет кишисининг фазилати ана шундай.

Янгиланиш иши барча партия ходимларидан идеология ишининг барча қирраларига янгича ёндашувни талаб этди, бу ёндашувнинг моҳияти қайта қуриш мақсадларини таъминлашдан иборат. Ҳисобот даврида мазкур йўналишда шаҳар партия комитети олдида ниҳоятда қийин масалалар турар эди.

Ҳақиқатга, адолатга ишончни тиклаш, маънавий ғоявийликни рашидовчилик иллатидан тозалаш, одамларни қайта қуриш ишига фаол сафарбар этиш лозим эди.

Хўш, биз қандай ишларни амалга оширдик? Партия йиғилишларида, шахсий учрашувлар ва суҳбатларда ягона сиёсий кунларда одамларга чин ҳақиқат айтилди. Фрунзе районидаги Авлоний номли маҳалла, Октябрь районидаги Хувайдо номли маҳалла, Собир Раҳимов районидаги Мискин номли маҳалланинг энг яхши анъаналаридан фойдаланилди, бу ерларда истиқомат жойларидаги тарбиявий иш яхши олиб борилмоқда.

Ҳар бир район партия комитети ва йирик партия комитетида махсус ташвиқот группалари тузилган.

«Хўжа кўрсинчилик»дан холи бўлиш осонликча кўчгани йўқ, биз бундан батамом холи бўлмадик. Ҳали ҳам ўқилган лекциялар, ўтказилган тадбирлар, қатнашган одамлар сонига маҳлиё бўлиш давом этмоқда.

Бошқа бир «ҳисоб-китоб»ни ҳам айтиб ўтайлик. «Билим» жамиятининг 9 мингдан кўпроқ лектори аттестациядан ўтказилганида, ҳар 4 кишидан бири ижтимоий-сиёсий мавзуда маъруза айтиш ҳуқуқини тасдиқлай олмади.

Ишчилар, бригадирлар, мастерларнинг жуда оз қисмигина хўжалик ҳисоби алифбесини билади, ҳуқуқий саводхонлик даражаси ниҳоятда паст. Агар, социал таъминот техникумида сиёсий иқтисоддан лекцияларни дипломи бўлмаган хўжалик мудири ўқиётган экан, бошқа фанлардан эса меҳнат дафтарчалари бўлмаган тасодифий кишилар дарс бераётган экан, сиёсий ва иқтисодий саводхонлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Ишлаб чиқариш коллективларида тингловчиларнинг 60 проценти йиғилгани ҳолда сиёсий машғулотлар ўтказилаётган бўлса, ётоқхоналарда, аслида, қуруқ лекцияларни ҳисобга олмаганда ҳеч вақо йўқ. Бу ерларга олим, ёзувчи, артист, публицист, таниқли ишчи, раҳбар таклиф этилмаяпти. Биз, партия ходимлари ҳам баъзи-баъзида кириб қолишимизни ҳисобламаганда у ерларга бормаймиз.

(Охири 4-бетда).

